Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 251 (6. 142) ◉ 1986 йил 31 октябрь, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!

# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— УЛУҒ ОКТЯБРГА!

**МАМЛАКАТ МЕҲНАТКАШЛАРИ! МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ САБОТ БИЛАН ОШИРИНГИЗ! БУНИНГ УЧУН ҲАР БИР КОЛЛЕКТИВДА, ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА БАРЧА РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГИЗ!**

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

## БИРИНЧИ ТАҚДИМДА

«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг механизация ва автоматизация цехидаги Яков Энс бошлиқ слесарь-пайвандчилар бригадасини бирлашмада кўпчилик яхши билади. Бу уюшқоқ коллектив ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ҳам юксак унум билан меҳнат қилиб, коллективдаги социалистик мусобақанинг олдинги сафида боряпти. Бриғадага юқори малакали слесарь ва пайвандчилар тўпланган. Улар ҳар қандай вазифани тез ва соз бажаришга одатланишган.

Ўтган ойда бригадага стендлар тайёрлаш бўйича катта, масъулиятли вазифа топширилганди. Ишчилар белгиланган вазифани вақтида бажариш учун сменадан ташқари вақтларда ҳам фидокорлик билан ишлашди. Натижада товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ойлик планни 260 процент бажаришди ва цехдаги социалистик мусобақанинг ғолиби бўлишди.

Бригадада асосий маҳсулот биринчи тақдимда топширилади. Бутун коллектив, айниқса тажрибали ишчилар маҳсулот сифатини диққат билан назорат қилиб, нуқсонларни ўз вақтида бартараф этишади. Слесарь Ш. Хусаинов, пайвандчи В. Садовников меҳнатга муносабатда технологияга қатъий амал қилиб ишлашда барча ҳамкасбларига намуна бўлишаяпти. Ўзларининг бой тажрибаларини ёш ишчиларга бажонидил ўргатишаяпти. Ҳозир коллективда смена топшириқларини уддалай олмаётган биронта ҳам қолоқ ишчи йўқ. Бригада ғайрат билан меҳнат қилиб «Коммунистик меҳнат коллективи» юксак номини олиш учун курашаяпти.

**В. ДАМИНОВ.**

### Қурилиш майдонларида

## ЯНГИЛИККА ЙЎЛ ОЧИБ

«Янги, илғор усуллар — ҳаётга!» 1-уйсозлик комбинати 4-монтаж бошқармасининг Ф. Галиулин етакчилигидаги бригадаси коллективи ана шу шиорга амал қилиб ишлаяпти. Чунончи, коллектив бир неча йилдан бери икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофоти лауреати Н. А. Злобин методи асосида бригада пудрати усулида ишлаб қувончли ютуқларга эришмоқда. Объектларни қуриш муддатларини, смета қийматларини қисқартиришга муваффақ бўлинмоқда.

Бинокорлар яқиндагина тўққиз қаватли уйни фойдаланишга топширишган эди. Ҳозир Полторацкий кўчасида яна бир тўққиз қаватли 72 квартирали турар жой биносини қуришяпти.

—Бригада қураётган объект бу йил фойдаланишга топширилиши керак, — дейди иш бошқарувчи Ш. Мазитов. — Шу боисдан бригаданинг барча 20 аъзоси ишга сидқидилдан муносабатда бўлмоқда. Натижада меҳнат ва технология интизоми мустаҳкамланмоқда, меҳнат унумдорлиги ошмоқда.

Айни кунларда бригада аъзолари саккизинчи қаватда панелларни монтаж қилиш ишларини графикдан ярим ой ўзиб адо этишяпти. Йил бошидан бери коллектив меҳнат унумдорлигини ўн процент оширишга эришди, анчагина қурилиш материалларини тежаб қолди.

Бригаданинг социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, кўпчиликка ибрат кўрсатаётган ўз илғорлари бор. Булар— монтажчи Карим Габдулин, пайвандчи Владимир Максименко, бетончи Юрий Ёлкин каби меҳнатга меҳр қўйган бинокорлардир. Улар смена топшириғини мунтазам 120—125 процентга етказиб адо этишади.

Ҳозир Ф. Галиулин бошчилигидаги бригаданинг меҳнат календарида ноябрь ойи бошланди. Уйсозлар Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдирмоқдалар.

**М. ФЕЛЬДМАН.**

## Кўрик - конкурс

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаб чиқариш маданияти, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўйича кўрик-конкурс эълон қилинди. Кўрик-конкурс йил охиригача давом этади. Шу муносабат билан комбинатда ташкил этилган кўрик комиссияси фабрикалар, цех ва участкаларда ҳамда корхонанинг бошқа объектларида бўлиб, уларнинг кўрик-конкурсда фаол иштирок этишини таъминлайдилар.

Комбинатнинг барча бўлимларида 22 соатлик программа асосида меҳнат хавфсизлиги методларини ўрганиш ташкил этилади.

Кўрик-конкурс натижалари 1987 йилнинг январида чиқарилади. Биринчи ўринни эгаллаган коллективларга фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари топширилади.

## ИВАНОВОЛИК ТЎҚИМАЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Бу бригаданинг меҳнат ютуқлари фақат пардозлаш фабрикасидагина эмас, балки комбинатда маълум ва машҳур. Раклист Р. Боязитов бошчилик қилаётган бу коллектив яқинда яна бир муваффақиятни қўлга киритди. У фабрикада ўтказилган ишчи маҳорати конкурсида актив қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Куни кеча бу бригада Иваново шаҳри тўқимачилари ҳузурига жўнаб кетди. Коллектив у ерда «Ково» фирмасининг газламага безак туширувчи машиналарида ишлаётган раклистларнинг Бутуниттифоқ конкурсида иштирок этади.

## Тонгги газеталарда

● 29 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико раислигида СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда М. С. Горбачев, В. В. Шчербицкий, П. Н. Демичев, Б. Н. Ельцин, Н. Н. Слюньков, Ю. Ф. Соловьев ўртоқлар қатнашдилар.

● Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг 30 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленуми, СССР Ёзувчиларининг VII съезди қарорлари асосида республика адибларининг вазифаларини муҳокама қилди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. Анишчев нутқ сўзлади.

● Япония Социалистик партияси делегацияси Ўзбекистонга келди. Делегацияга ЯСП Марказий Ижроия комитети раисининг ўринбосари, Япония-Совет муносабатлари юзасидан ЯСП Махсус комитетининг раиси, Япония парламенти вакиллар палатасининг депутати Тосихару Окода бошчилик қилмоқда.

30 октябрда делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева билан суҳбат бўлди.

### Замондошимиз



## ШИШАГАР

**Евдокия Евстафьевна Срибная ноёб касб эгаси. У — шишагар. Мана бир неча йиллардан бери Тошкент шаҳрини ёритиш идорасининг «Электрогазосветомонтаж» ремонт-қурилиш бошқармасида унумли меҳнат қилиб келаяпти.**

**Кўҳна касб эгалари — шишагарларни киноларда кўрган бўласангиз керак: ишчи лаққа чўғда эриб, мумдек юмшоқ ҳолга келган шишани узун найчага илиб олиб, аста пуфлайди. Кўз ўнгингизда бамисоли нодир санъат асари каби бири-бириданг ғўзал буюмлар ҳосил бўлади. Уларнинг шишадан фақат дам бериш усули билан тайёрланганига ишонишингизни ҳам билмайсиз. Фақат Евдокия Евстафьевнанинг вазифаси бироз ўзгачароқ. У тайёр шиша найчалардан олов ёрдамида турли-туман нақшлар, эмблемалар, бутун-бутун плакат ва шиорлар ясайди.**

**Шарқда машъал шаҳримизнинг асосий магистраллари кечалари ҳам кундузгидек ёруғ бўлади. Ранг-баранг иллюминациялар, реклама ва эълонлар чор атрофни чароғон қилади. В. И. Ленин проспекти, Ўзбекистон, Халқлар дўстлиги, Космонавтлар проспектлари, Фурқат кўчаси байрам кунлари айниқса ажойиб манзара касб этади. Ана шу гўзалликни яратишда Е. Срибнаянинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бошқарманинг қатор ёрлиқлари ана шундан далолат беради.**

**Мана, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигига саноқли кунлар қолди. «Электрогазосветомонтаж» бошқармасининг коллективи ҳам ана шу шонли санага муносиб совға тайёрлади. Шаҳримизнинг В. И. Ленин майдонида ранг-баранг неон лампалардан нодир, диаметри 10 метрга яқин СССР Герби ўрнатилди. Байрам оқшомида ҳамшаҳарларимиз шу ерга келиб, уларнинг меҳнатини муносиб баҳолашлари мумкин. Мазкур совғани тайёрлашда ўз касбининг устаси Е. Е. Срибная ҳам фаол иштирок этди. Ойлик, квартал планларини мунтазам ортиғи билан адо этаётган моҳир шишагар ўз касби сирларини ёшларга сидқидилдан ўргатмоқда.**

**СУРАТДА: Е. Е. Срибная.**

**Т. Каримов** фотоси.

## ТЎПЛАМ ЧИҚАРИЛДИ

«Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш — бутун партиянинг, бутун халқнинг вазифаси» ҳужжатлар ва материаллар тўплами босилиб чиқди. Унга партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг материаллари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладлари, нутқлари киритилган. Тўплам материаллари 1985 йил апрелидан 1986 йил октябригача бўлган даврни ўз ичига олади.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди. **(ТАСС).**

## ТИНЧЛИК— ИНСОНИЯТНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ



### кеча

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясида Ғарбий Кентукки университетининг психология профессори Сэм Макфарланд раҳбарлик қилаётган «Ядро урушининг олдини олиш учун АҚШнинг бирлашган университетлари» делегацияси аъзолари — Кентукки университети аспирантлари Лизбет Гронланд, Дэн Галпен, студент Тэд Сассон билан учрашув бўлди. Делегация СССР ёшлар ташкилотлари комитетининг таклифига биноан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Учрашувда «Оқшом» редакциялари, «Совет Ўзбекистони» республика газетаси ва «Комсомолец Узбекистана» ёшлар газетаси, «Ёшлик» журнали ходимлари қатнашдилар.

Америка делегацияси аъзолари газетанинг чиқарилиши, унинг тиражи, проблемалари, танқидий материаллар қандай тайёрланиши билан қизиқдилар.

Бу учрашувда тинчлик учун курашни кучайтириш, ядро урушининг олдини олиш, Рейкьявикда бўлган икки давлат раҳбарларининг учрашуви якунлари ва натижалари хусусида фикрлашилди.

Делегация аъзолари Тошкент Давлат университети студентлари билан сиёсий мунозарада қатнашдилар, чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида бўлдилар.

**СУРАТДА: меҳмонлар газета редакциясида.**

**Т. Каримов** фотоси.



# ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

### „ОҚ ОЛТИН"—ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун— мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона | 0,75 | 98,17 |
| Тошкент | 1,02 | 97,11 |
| Сурхондарё | 1,24 | 87,41 |
| Наманган | 1,05 | 86,63 |
| Сирдарё | 1,01 | 85,38 |
| ҚҚАССР | 1,05 | 81,88 |
| Хоразм | 0,86 | 77,68 |
| Андижон | 1,10 | 72,41 |
| Бухоро | 0,50 | 70,67 |
| Жиззах | 1,01 | 69,27 |
| Самарқанд | 1,13 | 66,11 |
| Навоий | 0,79 | 54,35 |
| Қашқадарё | 0,81 | 51,49 |
| Республика бўйича: | 0,95 | 77,39 |



## ҚАЛБ ДАЪВАТИ

### Фоторепортаж

**Бугун «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг сайёр мухбирлар пости Тошкент, Сирдарё ва Жиззах областларида ўз фаолиятини бошлади. Эътиборингизга ҳавола этилажак материалларда қалб даъвати билан пахтазорларга отланган ҳашарчи-ҳамшаҳарларимизнинг жасоратлари ҳақида ҳикоя қилиб борамиз. Қуйида дастлабки материал билан танишасиз.**

Сирдарё областига кириб борганимизда қуёш тоғлар ортидан аста бош кўтариб, кенг пахтазорлар узра заррин нурларини соча бошлади. Оппоқ пахта чаноқларидаги шудринг томчилари бир зумда симоб заррачаларидек қаёққадир пилдираганча йўқолди. Кўп ўтмай пахтазор ҳашарчилар билан тўлди. Улар Ўрта Осиё педиатрия институтининг ҳашарчи-студентлари эди.

Мана бир неча йилдирки, институт коллективи пахта йиғим-терим даврида Сирдарё областининг Ильич райони чўлқуварларига яқиндан ёрдам бериб келяпти.

— Ҳашарчиларимиз жуда яхши жойлашиб олдилар, — дейди биз билан бўлган суҳбатда институт партия комитетининг секретари А. Қосимов.— Яхши яшаш ва ишлаш учун барча шароитлар мавжуд. Район совхозлари ҳашарчиларни қабул қилиб олиш учун аввалдан тайёргарлик кўрганликлари сезилиб турибди. Аввалги йиллардагидек қийинчиликлар йўқ. Студентларимиз «Октябрь 60 йиллиги», Титов номли совхозларда баракали меҳнат қилмоқдалар. Шу кунгача терган пахтамиз 600 тоннага яқинлашиб қолди. Коллективимизнинг аҳди қатъий. Бу йил ҳар йилгидан кўп «оқ олтин» териб беришга, рекорд кўрсаткичга эришишга аҳд қилганмиз...

Ҳа, институтнинг 1426 нафар оловқалб комсомол ёшлари кунлик нормасини ортиғи билан адо этяпти. Улар 20 та бригадага бўлиниб ишлашмоқда. Бригадалараро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Беллашувга ҳар беш кунда якун ясалмоқда. Дастлабки беш кунликда А. Аҳмедов бошлиқ 4-курс студентлари биринчи ўринни олишди. Ғолибларга кўчма Қизил байроқ ва 200 сўм пул мукофоти топширилди. Зарифа Бердимуродова, Ширмоной Ўсарова, Муҳаббат Кенжаева, Суннат Ҳайитқулов, Ойшахон Норбоева каби илғор теримчи-ҳашарчилар беш кунликни зарбдорона якунладилар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача 800 килограммгача пахта териб бердилар.

— Доцент В. Паволоцский бошлиқ тўртинчи бригада— 2-курс студентлари ҳам беллашувда бўш келмаяптилар, — дея суҳбатга қўшилди институт комсомол комитетининг секретари К. Аҳмедов. — Институтимизнинг Ильич районида меҳнат қилаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни олишда бу бригаданинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бизга Фарғона областининг Ўзбекистон районидаги 24-автоколоннадан келган Машраб Ботиралиев бошлиқ шофёрлар бригадаси намунали хизмат кўрсатмоқда. Яхши ишлашимиз учун барча шароитлар муҳайё. Озиқ-овқат таъминоти ҳам яхши. Кўчма савдо дўконлари ишлаб турибди. Камчиликлар йўқ. Бу ғамхўрликларга жавобан фақат яхши ишлашимиз керак. Ўйлаймизки, институтимиз коллективи Сирдарё областининг 411000 тонналик «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшади...







Пахтазордан қайтар эканмиз, ҳашарчиларнинг жасоратга тўлиқ меҳнатларидан яна бир мамнунлик ҳис этдик. Фотомухбиримиз уларнинг фидокорона меҳнатларини эътиборингизга ҳавола этилаётган суратларда тасвирлашга жазм этди. Ҳа, ҳимматингизга балли, тошкентлик ҳашарчилар!

**Т. ТОШЕВ,**
**Т. КАРИМОВ,**
**Р. НУЪМОНОВ,**
**махсус мухбирларимиз.**

**Тошкент — Сирдарё — Тошкент.**

## ДОНОР ЮРАГИ КЎЧИРИБ ЎТҚАЗИЛДИ

28 октябрга ўтар кечаси СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги трансплантология ва сунъий органлар илмий-тадқиқот институтида 32 яшар бемор Н. Шишкинга донор юраги кўчириб ўтқазилди.

Шов-шув кўтарадиган ҳеч бир воқеа рўй бергани йўқ, деди институт директори В. И. Чумаков ТАСС мухбири билан суҳбатда. Операцияни практикамизда жузъий, оддий иш ҳоли, деб ҳисоблаш мумкин. Бемор даволаб бўлмайдиган юрак хасталиги билан оғрирди. Унга ёрдам бериш йўлидаги ҳамма уринишлар муваффақиятсиз чиқди. Беморнинг қариндошлари операция ўтказишга розилик беришди. Унга автомобиль фалокатида ҳалок бўлган ёш кишининг юраги кўчириб ўтқазилди.

Биз профессор Чумаков билан суҳбатлашиб турганимизда бемор кўчириб ўтқазилган юрак билан яша ётганига 15 соатдан ошганди.

